

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
РЕАБИЛИТАЦИЯ КИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ  
МОХИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

Отажонов Бобур Умид ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси 3-ўқув курси 307 гурух курсанти

**АННОТАТСИЯ**

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ижтимоий реабилитация килиш ва ижтимоий мослаштириш чора тадбирларини амалга ошириш фаолияти тушунчаси ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** инспекторлар, хуқуқбузарлиқдан жабрланувчи, жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар, оммавий тартибсизликларда, реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, криминология.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзининг ички сиёсатидаги устувор тамойилларини белгилаб олган ҳолда демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидан дадил олга бориш, обод фуқаролик жамиятини қуришни олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун эса, мамлакатда дастлабки навбатда хавфсизлик ва тинчликни саклаш, халқ осойишталигини таъминлаш асосий устувор вазифа хисобланади. Республикаизда истиқлоннинг дастлабки кунларидан бошлаб фуқароларни жиноятчилик, унинг энг қабиҳ ва хавфли тури бўлган уюшган шакллари, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби оғатлар тажовузидан ҳимоя қилиш барча хукуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, Ички ишлар органларининг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Ўтган давр ичида ички ишлар органларини инсон хукуqlари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишининг ишончли гаровига айлантиришни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар Ички ишлар органларининг мамлакат ички хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда бевосита аҳоли турар жойлари, маҳалла, қишлоқ ва овулларда давлатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган турли кўринишдаги тажовузларнинг олдини олиш, кўмаклашувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш орқали уларга қарши қурашишда,



фуқороларимизнинг хуқуқбузарлик ва жиноятлардан жабрланувчи булиб қолишининг олдини олишда Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ва давом этаётган ислоҳотлар натижасида вужудга келган профилактика тизимининг фаолияти аҳамиятга молиқдир.

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ҳамда давом этаётган ислоҳотлар натижасида профилактика хизматларининг фаолиятини белгилаш ва тартибга солиш мақсадида қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларда профилактика хизматлари, шу жумладан ийо таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ички ишлар идоралари профилактика хизматларининг фаолиятини режалаштириш муҳим масалалардан бири эканлиги аник белгиланиб, бу борада бир қатор талаблар ўрнатилган.

Профилактика инспекторларининг ижтимоий реабилитация килиш ва ижтимоий мослаштириш чора тадбирларини амалга ошириш фаолияти тушунчасига тўхталишдан олдин хуқуқбузарликлардан жабрланувчи тушунчасини ёритиб ўтишни жоиз деб билдим.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун 7 та боб ва 51 моддадан иборат, қонуннинг 3-моддаси "Асосий тушунчалар" деб номланиб унда хуқуқбузарлик, хуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчаларига таъриф берилган.

Унга кўра хуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлик).

- хуқуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликдан жабрланган шахс.
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш-хуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳукукий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуюи.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун.



Реабилитация ва мослаштириш тушунчасини биз ижтимоий реабилитация қилиш ижтимоий мослаштириш таълимоти орқали ўрганамиз. Реабилитация лотин тилидан "rehabilitation" тиклаш; хуқуқбузар ва жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида таълимот ҳисобланади.<sup>2</sup>

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш алохидা, мустақил йўналишда бўлган, яъни хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи сифатида ўрганилади. Чунки бу хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи ва уларга психологик, биологик, педагогик, ижтимоий ҳусусиятлари, муносабатлари, жиноят содир этилишидан олдин ва ундан кейинги жараёнда тутган ўрнини ўрганиб чиқади ва илмий жихатдан асосланган хулосаларни ишлаб чиқиб, жиноятларни профилактика қилиш фаолиятида кенг кўламда қўлланилиши учун тадбиқ этилади. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш нафақат хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганади, балки, баҳтсиз ходиса, табиий оғат, уруш, геноцид ва бошқа холатлар оқибатида юзага келган жабрланишларни ўз ичига олади.

Жиноятлардан одам ўлдирган жиноятчининг оила аъзолари жабрланиши, масалан, жиноий қилмишни тўхтатишида иштирок этиш вактида ёки жиноят жараёнида хуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш чоғида уларга муайян зарар етказилиши мумкин.

Боз устига, баъзан жиноятчининг ўзи жабрланиши мумкин (масалан, оммавий тартибсизликларда, бир гурух шахс бўлиб безорилик қилишда, муштлашувларда). Шу сабабли кимни амалда ва муайян тарзда жиноятдан жабрланувчи деб ҳисоблаш мумкин, деган савол криминализация ва декриминализация жараёни, жиноий тажовуз объектининг чегараларини белгилаш билан боғлиқ.

Жиноят содир этишнинг сабаблар занжирида хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни жиддий роль ўйнайди, деган ғоя янги эмас, у кўп сонли адабий манбаларда ва хуқуқ ижодкорлиги ёдгорликларида ўз аксини топган. Лекин унинг муайян даражада ифодали талқинига XVIII аср мутафаккирларининг асарларида дуч келиши мумкин.

<sup>2</sup> Абдурасурова К Криминология: Дарслик. -Т., 2008.



Хуқук фанининг мумтоз даври намоёндаларидан бири Иеремия Бентам (1748-1832) криминологияга хукуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштиришни назарда тутувчи нормаларни киритишни таклиф килган. Бу хукуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни янада тезрок ҳаётга қайтариш имконини беради, деб ҳисоблаган. Ижобий хуқук йўналишининг вакили Раффаэль Гарофало (1852-1934) жабрланувчилар ва хукуқбузарни реабилитация қилиш ва мослаштириш оркали ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш воситаси сифатида караган (туринлик бу судья «криминология» атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритган).<sup>3</sup>

Немис криминологи Сара Маржора Фрай (1894-1958) тадқи-котларининг диққат марказида жиноятчини ундан жабрланган шахс билан яраштирип, яъни жамиятда тартиб ва тотувликни баркарор этиш муаммолари турган.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш муаммоси ва жиноятларнинг олдини олишда унинг аҳамияти масалалари Шарқ, Ўрта Осиё ва айниқса, Ўзбекистон халкларининг тарихий хукуқий ёдгорликларида ва феодал тузуми суд органларининг қарорларида муҳим ўрин эгаллайди.

Лекин жиноятчиликнинг муҳим омили ва криминологиянинг таркибий қисми сифатида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш фақат XX асрнинг биринчи ярмида тизимли равища тадқиқ килина бошланди. Одатда бу адабиётларда 1948 йил «Жиноятчи ва жабрланувчи» деб номланган катта ва маҳсус илмий тадқиқотни эълон қилган немис олим Ганс фон Гентинг номи билан боғланади. Ўз тадқиқотида у ўқувчилар эътиборини хукуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ҳаётга қайтариш омили сифатидаги реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратади. Гентинг, шунингдек жиноятчиликни зарар етказувчи ва ундан жабрланувчи ўртасидаги муайян ўзаро муносабатлар сифатида тушуниш ғоясини илгари суради. Унинг фикрига қўра, жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг муайян типларини ажратиш мумкин, бу муносабатлар эса жиноят билан узвий боғлиқдир. Бу эса содир этилган жиноятни нафақат таҳлил қилишни, балки унинг бўлажак

<sup>3</sup> Абдурасулова К. Криминология: Дарслик. - Т., 2008. – 3



хукуқбузар ва жабрланувчилари ҳақида муайян прогнозлар тузишни ва ҳатто латент (яширин) жиноятчиликнинг ҳолатини аниқлашни тақозо этади.

Шунингдек адабиётларда реабилитация қилиш ва мослаштириш тушунчасига кўп маротаба тўхталиб ўтилган ва олимлар бу тушунчани турлича талқин қилишади. Хусусан, Л.В. Франк фикрига кўра, реабилитация бу муайян шахснинг ўз ижтимоий роли, жисмоний ва маънавий фазилатлари ва хислатларига кўра муайян ҳолатларда «қайта тиклаш», яъни ижтимоий, педагогик, тиббий тикланиш қобилиятидир.<sup>4</sup>

Юқорида келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, «реабилитация» тушунчасига таъриф беришда хукуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари хал килувчи ва бирдан бир мезон булиб хизмат килган. Бундан ташқари, одамнинг ҳолати «кобилият» сифатида нотўғри тавсифланган.<sup>5</sup>

Адабиётларда ижтимоий реабилитация килиш ва ижтимоий мослаштиришнинг асосий тури: умумий (хукуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг ёши, жинси, касби, ижтимоий ҳолати ва хоказоларга боғлик бўлган) ва маҳсус (руҳий бекарорликка, эмоционал бекарорликка, эксцентриклика, ичкилиkbозликка ва хоказоларга боғлик бўлган) фарқланади. Ўтказилган тадқиқотлар хукуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахслар бу икки тури уйгун кўринишда келган ҳолларда қайта тикланиш ва адаптация килиш даражаси анча ошишини кўрсатади.

Менинг фикримча реабилитация қилиш ва мослаштириш бу шахснинг ўз ижтимоий ҳолати, жисмоний ва маънавий фазилатлари хамда ҳолатларига кўра, хукукий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошка турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда кабул қилинган хулк-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш.

Профилактика инспекторининг жиноятларни, шахсларнинг жиноятдан жабрланишларининг олдини олишда хукуқбузарликлар профилактикасининг турларидан бири бўлган якка тартибдаги профилактика мухим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги конунининг 6-моддасида

<sup>4</sup> Криминология дарслик Зарипов. С.З. таҳрири остида Т-2007.

<sup>5</sup> Криминология / дарслик. -Т., 2007



хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури сифатида киритилган ва қонуннинг 5-боби "Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси" деб номланиб, ушбу хуқуқбузарликларнинг тартибдаги профилактикаси тушунчасига, чоратадбирларига ва ўзига хос хусусиятларига багишиланади. Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 33- моддасида, ушбу фаолиятни амалга ошириш куйдагича белгилаб қуйилган: ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан кўлланилади! <sup>6</sup>

Профилактика инспектори деярли барча, муасаса, корхона, ташкилотлар, фуқороларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошка органлар билан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш фаолияти юзасидан хамкорликни амалга оширади.

Хамкорлик тушунчасини кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу тушунчага адабиётларда турлича таъриф берилган. Хусусан, хамкорлик-бу фалсафий категория бўлиб, ўзаро алоқадор турли обьектларнинг бир-бирига ўзаро таъсир этиш ўрнини алмашиниш жараёнларини ифодалайди.

Ҳуқуқшунос олим А.П.Камишников фикрича бошқарувнинг асосий шаклларидан бири хамкорлик хисобланиб, одамларнинг жамоатчилик

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги конуни. -Т., 2014 йил 14 май. ЎРҚ-371 сон.



асосидаги ёки хамкорликдаги фаолиятининг асосий шартларидан бири сифатида келишиш масаласини илгари сурган.<sup>7</sup>

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга ёрдам қўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар билан хамкорлиги бу уларнинг қонунийлик ва ҳукук тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг ва жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга ўз вақтида ёрдам қўрсатиш, фуқороларнинг ҳуқуқбузарлик содир етишининг олдини ва ҳуқуқбузарлиқдан жабраланишларининг олдини олишда биргалиқда, келишилган фаолиятга оид режаларни амалга ошириш, ўзаро ахборот алмашиш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллабқувватлашда намоён бўладиган ҳамкорлик тушунилади.

Ўз-ўзидан равшанки, криминологияда жиноятдан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганишнинг предметига оид тор мақсади жиноий хулқ-атворнинг индивидуал механизмида ушбу шахсларнинг роли ва аҳамиятини, жиноий вазиятнинг ва ривожланишига ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахслар қўшган «ҳисса»ни аниқлашни назарда тутади, бунинг учун эса жабрланувчининг шахси ҳақида, шунингдек унинг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори тўғрисида тегишли умумий ахборот олиш зарур.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахслар ва хулқ-атвори, уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишида нафақат жиноят содир этилишидан кейин, балки жиноий тажовуз вақтида, шунингдек жиноят содир этилганидан олдин хам (рецидин учун) маълум роль ўйнаши мумкин.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга ёрдам қўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар билан хамкорлиги ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори, бундан ташкари, латент (яширин) жабрланувчи ва ҳуқуқбузарлар қилмишларининг мотивлари ва сабабларини аниқлаш, содир

<sup>7</sup> Камишников А.П. Основы управления в правоохранительных органах. -М., 2004. С. 27.



этилган жиноят ҳақида ҳокимият органлари ёки мансабдор шахсларга хабар бериш ёки ариза билан мурожаат этишдан ўзини тийиш сабабларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш учун ҳам муҳим 6 аҳамият касб этади ҳамда буларнинг барчаси хамкорлик қилиш натижасида аникланади, Ўрганб чиқилади ва амалда буларнинг олдини олиш учун чора- тадбирлар ишлаб чиқишида албатта ўзининг ижобий натижасини беради.<sup>8</sup> Профилактика инспекторининг жиноятларни, шахсларнинг жиноятдан жабрланишларининг олдини олишида хуқуқбузарликлар профилактикасининг турларидан бири бўлган якка тартибдаги профилактика муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси хуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури сифатида киритилган ва қонуннинг 5-боби «Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» деб номланиб, ушбу хуқуқбузарликларнинг тартибдаги профилактикаси тушунчасига, чоратадбирларига ва ўзига хос хусусиятларига багишлилади. Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг гайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 33- моддасида, ушбу фаолиятни амалга ошириш куйдагича белгилаб қуйилган: хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан кўлланилади! Профилактика инспектори деярли барча, муасаса, корхона, ташкилотлар, фуқороларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошка органлар билан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш фаолияти юзасидан хамкорликни амалга оширади.



## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 806
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Электрон манба: [http://www.lex.uz/pages/getact.aspx?lact\\_id=97664](http://www.lex.uz/pages/getact.aspx?lact_id=97664) (мурожаат вакти: 25.07.2017)
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2014 йил 14 май) // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 20-сон, 221-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шахрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартағи «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2014. – № 10 106-м.
6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 октября 2014 года № 273 «Об утверждении положения об отрядах и пограничным войскам Службы национальной безопасности ики Узбекистан «Чегара посbonлари» // Собрание законодательства алики Узбекистан. – 2014. – № 40. – ст. 497.
7. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларининг диклар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тутрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон (12.07.2017 й.)
8. Приказ МВД России № 1166 (31.12.2012 г.) «Вопросы организации ости участковых уполномоченных полиции» //www.rg.ru//uchastkovie-dok.html.

